

ШАРТНОМА № 1/5

Нукус _____

24» 01 2022 й.

(шахар, туман, кишлок)

«CENTRAL-PHARM SERVIS» МЧЖ бундан буён матинда «Сотувчи» деб аталувчиномидан раҳбари Махсетов И.А.

Фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва

Академик Ё.Х.Туракулов номидаги РИЭИАТМ Коракалпогистон Республикаси филиали.

бундан буён матинда «Харидор» деб аталувчи номидан бош шифокор Ж.Н.Уббиев фаолиятини кўрсатувчи, иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки килиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг хақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2.

№	Маҳсулот тури	Ўл. бир.	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ККС		Етказиб беришнинг ККС ҳисобига олинган қиймати
						Ставкаси	Суммаси	
1	Скарификатор KD-LANCE (251)	шт	5000	225,00	1125000,00	0%	0,00	1125000,00
	Жами:				1125000,00		0,00	1125000,00

2.1. Шартноманинг умумий суммаси: Бир миллион бир юз йигирма беш минг сум 00 тийин ККС сиз.

2.2. Шартноманинг 1125 000 суми бюджет маблағи ҳисобидан _____ суми бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот миқдори суммасининг 30 фоизини олдиндан қолган 70 фоизи маҳсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури _____ тулов топширикнома _____
(тўлов талабномаси, тўлов топширикномаси, чек аккредитивга бошқалар)

4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулот «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин 10 кун вақт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 31.12.2022 йили гача ўз кучида қолади.

5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.2.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, маҳсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Сотувчи» мажбурияти:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га маҳсулотни етказиб бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Маҳсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

6.2.3. Маҳсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Маҳсулот бериш вақтида шартнома бандларига тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва 0,1% миқдорда пеня тўлайди.

7.2. «Сотувчи» маҳсулотни тўлиқ етказиб бермаганлиги учун «Харидор»га етказиб берилмаган хар кун учун маҳсулот баҳосидан 0,2% пеня тўлайди.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 0,1% миқдорида пеня тўлайди.